

**«Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятига алоқа каналлари орқали  
коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни  
қабул қилиш ва кўриб чиқиш  
РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда –Жамият)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чоратadbирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Жамиятдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Жамият Бошқарув раисига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ишонч телефони** – Жамиятга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

**мурожаатчи** – алоқа каналлари орқали Жамиятдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**коррупция** – шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Жамият ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

**коррупциявий хавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

**тааллуқли хабар** – Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

**ходим** – Жамият билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Жамият коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

**конфиденциаллик ва хавфсизлик** – алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Жамиятнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Жамият унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

**қонунийлик** – Жамият алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

**мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги** – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Жамият ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

**мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа** – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Жамият томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

**таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги** – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Жамият айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

## **2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари**

5. Тааллуқли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

Жамиятнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали ([маилто:anticor@uzal.uz](mailto:anticor@uzal.uz));

Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Фасэбоокдаги расмий саҳифаси (<https://www.facebook.com/uzal.uz/>)) орқали;

Жамиятнинг телефон рақамлари орқали (+99871-207-30-39);

Жамиятнинг Телеграм боти ([https://t.me/uzal\\_bot](https://t.me/uzal_bot));

Жамиятга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Жамият алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Жамият биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

### **3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган тааллуқли хабарларни қабул қилиш**

7. Жамиятнинг Комплаенс хизмати Жамиятнинг алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

8. Жамиятнинг куйидаги алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом” ва “Жамиятнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом” талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва кўрсатма хати учун Жамият Бошқарув раисига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Жамиятнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Жамиятнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Жамиятга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграмм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш Комплаенс хизмати зиммасига юклатилади.

Бунда, тааллуқли хабар келиб тушганда Комплаенс хизмати мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Жамият Бошқарув раисига киритади.

Комплаенс хизмати масъул ходими келиб тушадиган хабарларни ҳар ҳафтада душанбадан жумагача бўлган кунларда соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга Комплаенс хизмати уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграмм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфиденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар тааллуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Жамият Бошқарув раиси тааллуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Жамиятнинг Комплаенс хизматига топшириқ туширади.

12. Жамиятнинг Комплаенс хизмати тааллуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Жамиятда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. Жамият мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Комплаенс хизмати, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Жамиятга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

муурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилади (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, телеграммдаги махфий чат ва бошқалар);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

13. Олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

14. Олинган хабарлар бўйича барча тааллуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Комплаенс хизматида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

15. Тааллуқли хабар Жамиятнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда ҳудудий (таркибий) бўлинма раҳбарини келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қилади, Бўлинма раҳбари эса ўз навбатида ушбу хабарни Комплаенс хизматига юборади. Комплаенс хизмати олинган хабарни ушбу Регламентнинг 11-бобида баён этилган тартибга мувофиқ кўриб чиқади.

16. Жамиятнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

#### **4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш**

17. Комплаенс хизматига келиб тушган барча тааллуқли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходими томонидан кўриб чиқилади.

18. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, бундай ҳаракатлар устидан тааллуқли хабар келиб тушган ёки уни кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

19. Тааллуқли хабар келиб тушганда Комплаенс хизмати дастлабки текшириш ўтказиб, унинг тааллуқлилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Жамият тизимига тааллуқли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш тааллуқли хабар Комплаенс хизматига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

20. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

21. Агар Комплаенс хизмати ходими хабар тааллуқли эмас деган хулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида Жамиятнинг тегишли тузилмасига билдирги асосида ўтказиши лозим.

22. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Комплаенс хизмати ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

23. Тааллуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Жамиятга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, Жамиятнинг Бошқарув раиси томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

24. Мурожаатга жавоб Комплаенс хизмати томонидан тайёрланиб, Жамият Бошқарув раиси имзоси билан расмийлаштирилади.

25. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш яқунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

26. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграмм-бот орқали келиб тушган тааллуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграмм-бот орқали юборилади.

#### **5-боб. Ҳисобдорлик**

27. Реестрдан Жамият Бошқарув раиси, Комплаенс хизмати ходимлари хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), фойдаланиши мумкин.

28. Реестр маълумотлари асосида Комплаенс хизмати ҳар чоракда Жамият Бошқарув раисига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган тааллуқли хабарлар ва кўриб чиқилган тааллуқли хабарлар сони;  
коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган тааллуқли хабарлар сони;  
кўриб чиқиш муддатлари бузилган тааллуқли хабарлар сони;  
тааллуқли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;  
муружаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

#### **6-боб. Яқуний қоида**

29. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

30. Мазкур Регламент, муружаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.